

Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!



Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

2016-yil
2-avgust,
seshanba

№ 90
(3751)

Ўзбекистон касба уюшмалари Федератсиясининг нашри // Газета 1991-йил 21-мартдан чиқа бoshлаган // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Касба уюшмалари мустақиллик йилларида

Халқ фаровонлиги йўлида

— ИСЛОХОТЛАРНИНГ ҲАЁТГА ИЗЧИЛЛИК БИЛАН ТАТБИҚ ЭТИЛИШИ НАТИЖАСИДА ЭРИШГАН ЮТУҚЛАРИМИЗ ТОБОРА КЎПАЙМОҚДА, — ДЕЙДИ ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ, САВДО ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ХОДИМЛАРИ КАСБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ РАИСИ ШАВҚАТ ЖАВЛОНОВ.

— Бугун Ўзбекистон ҳақида сўз борганда, саноати жадал ривожланаётган қудратли давлат сифатида тилга олинади. Бу беиз эмас, албатта.

Мамлакатимиз иқтисодиёти жадал ривожланаётган давлатлар орасида жаҳонда бешинчи ўринни эгаллаб турганлигининг ўзидек кўп нарсаларга оидлик киритади. Бу, айни вақтда Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган стратегик тараққиёт дастури, яъни жаҳон миқёсида «Ўзбек модели» деб тан олинган, машҳур беш тамойилга асосланган ислохотлар ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилаётгани эътирофи ҳамдир.

Ортимизда макрориктисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш ҳисобига қўлга киритилган юксак натижалар, энг аввало, янгидан-янги замонавий тармоқ ва ишлаб чиқариш қувватларининг йўлга қўйилиши, бунинг асосида мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг сезиларли даражада ортиб бораётгани, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва кўрсатилаётган хизмат турларининг кўпайиб, сифатининг тубдан яхшиланиб боришида яққол намойён бўлади.

Ортимизда юз бераётган иқтисодий таркибий ўзгаришлар, саноат диверсификация қилинаётгани туфайли янги-янги ишлаб чиқариш тармоқлари ривож топиб бораётди. Хусусан, юқори технологияларга асосланган озиқ-овқат саноати истиқлол йилларида шаклланиб, бугунги кунда иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларидан бирига айланди. Агар 1990 йилда республикамиз аҳолисининг озиқ-овқат товарлари, шу жумладан, дон, картошка, гўшт, сут ва қандолат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи импорт ҳисобидан қопланган бўлса, ҳозирги вақтда уларнинг 96 фоизи ўзимизда ишлаб чиқарилаётгани ўртадаги фарқ ер билан осмонча эканлигини англатади.

Озиқ-овқат саноати қисқа вақт ичида иқтисодиётимизнинг кенг тармоқли соҳасига айланди. Натижада, тизим корхоналари ички бозорни ёғ-мой, қандолатчилик, чукор қайта ишланган мева-сабзавот, гўшт ва сут маҳсулотлари, шунингдек, чанковбосди ичимликлар билан тўлдиришда етакчи манбага айланди. Мухими, тақлиф этилаётган истеъмол товарлари сифат кўрсаткичлари, тақлиф дизайни ва нарх-навоиси бўйича рақобатбардош бўлгани боис хорижда ҳам уларга талаб катта. Айни пайтда «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» ёрлиги туширилган озиқ-овқат маҳсулотлари дунёнинг 80 дан ортиқ мамлакатларига экспорт қилинаётди.

Мамлакатимизда яратилган қулай ишбилармонлик муҳити саноатда янги уфқларни очмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тақдим этилаётган имтиёзлар йирик ишлаб чиқариш корхоналари пайдо бўлишига мустақам замин ҳозирляпти.

Кўп тармоқли иқтисодиётнинг устувор соҳалари бўлган хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очилди. Ўтган йиллар мобайнида иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги давлат мулки ҳисобланган 31 миңдан ортиқ корхона хусусий мулкдорлар ва акциядорлар ихтиёрига берилди.

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодий салоҳияти кўп жиҳатдан тадбиркорлик соҳасидаги ютуқларга боғлиқ. Иқтисодиёт таянчи бўлиши корхоналари қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда турмуш фаровонлигини ошириш борасида Президентимизнинг фармон ва қарорлари билан тадбиркорлик субъектларига солиқ имтиёзлари ва преференциялар берилганлиги эса айни мuddао бўлмоқда. Республикаимиз аҳолисининг ноозиқ-овқат маҳсулотларига эҳтиёжини барқарор таъминлаш, ички истеъмол бозорини маҳаллий маҳсулотлар билан тўлдириш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Чунинчи, маҳаллаларда, қишлоқ жойларда замонавий, юқори унумли техника ва технология билан жиҳозланган қайта ишлайдиган ихчам корхоналарни ташкил этиб, янги иш ўринларини яратиш орқали аҳоли турмуши фаровонлигини оширишга жиддий эътибор қаратилаётди.

Президентимизнинг 2009 йил 28 январда қабул қилинган «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори би жабҳада муҳим дастуриямал бўлмоқда.

Ушбу чора-тадбирларнинг амалга оширилиши истеъмол бозорини юқори сифатли, рақобатбардош товарлар билан тўлдириш имконини беради. Бу, айниқса, жаҳон экспорт бозорларида истеъмол даражаси пасайиб бораётган шaroитда жуда муҳимдир. Бундай ёндашув халқимиз фаровонлигини юксалтириш ва аҳолига мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган сифатли маҳсулотларни арзон нархларда тақдим этиш имкониятини кенгайтирмоқда.

Ҳар йили ўтказиб келинаётган «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» шиори остидаги тақдимот аҳолининг юртимизда ишлаб чиқарилаётган товарлар ҳақида хабардорлигини янада ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари маҳсулотларини ички ҳамда ташқи бозорларга чиқаришга кўмаклашмоқда.

(3).

1 АВГУСТ КУНИ МАМЛАКАТИМИЗ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА ТЕСТ СИНОВЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказидан олинган маълумотларга кўра, жорий йилда мамлакатимиз олий ўқув юртларида 663 миң 298 абитуриент ҳужжат топширган. Бу ўтган йилга нисбатан 57 миң 462 нафарга кўпдир. Ёшларнинг олий маълумот олишга иштиёқи муттасил ўсиб бораётгани мамлакатимизда «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида изчил амалга оширилаётган ислохотлар, Ватан тақдири ва ўз келажаги учун қайғуриб яшайдиган авлодни камолга етказиш борасидаги эзгу сазй-ҳаракатлар самарасидир.



ЎА сурати

Ёшларга онд давлат сиёсати — амалда

Изланувчан ва фаол ёшлар

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга онд давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан касба уюшмалари томонидан катта кўламдаги ишлаб олиб боришмоқда. Хусусан, маъмур қарор асосида «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танлови ўтказиб келинапти.

Ёшларнинг интилишини қўллаб-қувватлаш, уларнинг гоё ва ишланмаларини ҳаётга татбиқ этишга кўмаклашиш, иқтидорларини рағбатлантиришга қаратилган ушбу танлов натижасида йигит-қизларнинг ноёб қобилияти юзага чиқаяпти. Танловнинг «Энг фаол ёш олим» номинацияси республика босқичида бу яна бир бор намойён бўлди. Унда турли йўналишлар бўйича илмий тад-

қиқот ишларини олиб бораётган, инновацион-техник гоёларни илгари суриб келаётган 15 нафар ёш мутахассис қатнашди.

Хусусан, ёш тадқиқотчилар томонидан тақдим этилган ҳужжатларда хорижий давлатларнинг нуфузли илмий муассасаларида малака оширилганлиги, янги ихтиролар, илмий-техник ишланмалар, илмий ва фанга доир натижаларни ёритувчи оригинал моно-

графиялар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари ҳамда чет эл ва республикамизда нашр қилинган илмий-оммабоп мақолалар, халқаро ва маҳаллий конференциялар, халқаро ва маҳаллий давлат илмий-техник дастурлар ва грантлардаги иштироки ўз аксини топди. «Ўз ҳуқуқини билмасизми?» мавзусидаги савол-жавобларга тайёргарлик жараёнида меҳнат муносабатларини тартибга солиш, меҳнат қончилигини бузилишининг олдини олиш ҳамда ёш педагогларга берилаётган имтиёз ва ҳуқуқлардан тўлиқ бохабарлик намойён бўлди. — Жиззах политехника институти ер усти транспорт тизимлари кафедраси

катта ўқитувчиси. «Автомобил йўлларининг геометрик элементларини лойиҳалашда ҳисобий автомобилларнинг параметрларини асослаш» мавзусида номзодлик ишимни ёқлаганман. Ҳозирда докторлик ишим устида тадқиқот олиб бораёман, — дейди танловнинг биринчи ўрин соҳибни Жамшид Абдуназаров. — Ушбу танлов илмий салоҳиятимизни яна бир бор синовдан ўтказди. Унда тадқиқотимни инглиз тилида қилиб, баҳолашнинг барча мезонларига тўлиқ жавоб бергани меннинг яна бир ютуғим бўлди. Келажақда юртим ривожига қўлимдан келганча ҳисса қўйиш энг олий мақсадимдир.

(2).

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

Юрт посбонлари ҳузурида

Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги муносабати билан «Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!» шиори остида байрамолди тадбирлар ўтказилмоқда.

Нукусдаги Бердақ номидаги мусиқали театрдa Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзолари — Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясини Кенгаши раиси Т.Нарбаева, Республика «Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгаши раиси Ш.Усмонов ҳамда давлат ва нодавлат ташкилотлар, маҳаллий ҳокимият вакиллари иштирокида Шимолий-Ғарбий ҳарбий ок-

руги қисмларида йигитлик бурчини ўтаётган ватан ҳимоячилари билан учрашув бўлиб ўтди.

Тадбирда Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз Куролли Кучларида амалга оширилаётган изчил ислохотлар Ватанимиз тинчлиги, халқимиз осийишталиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашга қодир миллий армиямизни шакллантиришда юксак самаралар бера-

ётганини алоҳида таъкидлади.

Шунингдек, ҳарбий қисмлар, хизматдаги офицер ва сержантлар оила аъзоларининг ижтимоий ҳимояси, уларнинг яшаш шароитларини янада яхшилаш борасидаги ишлар ҳақида сўз борди.

Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари учун «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлини масъуллари ҳамда Ҳарбий округ ансамбл жамоалари ижросидаги концерт дастури намойиш этилди.

Тадбирдан сўнг Мудофаа вазирлиги қошидаги Жамоатчилик кенгаши аъзолари ҳарбий қисмлар ва ҳарбий шаҳарчаларга ташриф буюришиб, у ерда ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар учун яратилган ижтимоий ва маиший шароитлар билан яқиндан танишди.

Ортиқбой МАМУТОВ,
«Ishonch» мухбири

Муқобил энергия

Пойтахтимизнинг Бобур кўчасидаги Пушкин майдонида кўёш батареяларидан қувват олувчи 20 та светодиод ишга туширилди.

Тухфа

Республикамизнинг бошқа ҳудудларида ҳам муқобил энергия манбаларидан кенг фойдаланишни ривожлантириш мақсадида кўёш батареяларини ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш жараёнига таъбиқ этиш юзасидан эътиборли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги вақтда Самарқанд вилоятида қуввати 100 Мвт га тенг бўлган ва Марказий Осиёдаги энг йирик кўёш станциясини қуришга тайёргарлик кўришмоқда. 2015 йилда Наманган вилояти Поп туманида қуввати 130 кВтга тенг кўёш фотоэлектрстанцияси тест режимида ишга туширилгани ҳамда умумий қуввати йилга 1200 кВтга тенг бўлган автоном кўёш станциялари иш бошлаши ҳам маъмур йўналишидаги ютуқлардан.

Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг «Эко-энергия» илмий-таъбиқий маркази томонидан биргина 2016 йил бошидан 197 та кўёш фотоэлектрстанцияси ўрнатилиб, йил якунига бу кўрсаткич 400 тага етказилди. Жумладан, умумий қуввати 271 кВт бўлган кўёш фотоэлектрстанциялари 37 та таълим муассасаси, 74 та қишлоқ врачлик пункти ва 294 та ишлаб чиқариш корхонасига ўрнатилади.

Маммура
МАШРАПОВА

Изланувчан ва фаол ёшлар

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан бир неча йилдан буён ўтказилаётган «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танлови касбий билим даражасини ошириш, соҳага нисбатан хурмат ва фахр туйғусини шакллантириш, инновацион ғоя, лойиҳаларни юзага чиқаришда муҳим ўрин тутмоқда.



№(1). Шунингдек, «Энг илмий салоҳиятли олим», «Энг иқтидорли олим», «Энг заковатли олим» каби 12 та номинация бўйича ҳам энг фаол ёш мутахассислар аниқланди. — Биз каби ёшлар учун ушбу танловнинг ўрни беки-

ёс. Чунки у орқали яратаятган янгиликларимиз билан моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни баробарида, тенгқурларимиз билан тажриба алмашиш имкониятига ҳам эга бўлдик, — дейди «Энг илмий салоҳиятли олим» номинацияси ғолиби, ЎзФА Энергетика ва автоматика институти катта илмий ходими, техника фанлари номзоди Олимжон Тоиров.

Ғолиблар Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Танлов доирасида аниқланган энг фаол ёш мутахассислар Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан Ватанимиз Мустақиллигининг 25 йиллиги олдида ташкил этиладиган «Ёш мутахассислар» республика Форумида



иштирок этиш йўлланмасини қўлга киритдилар. Шунингдек, улар ўз иқтидорини ҳамда тажрибасига кўра Касба уюшмалари Федерацияси томонидан ёш мутахассисларнинг ўз инновацион ғояларини янада ривожлантириш ва ҳаётга татбиқ этишлари мақсадида ажратилаётган махсус грантларни қўлга киритиш имконига ҳам эга бўлдилар.

Салим АБДУРАҲМОНОВ, «Ishonch» мухбири. Козим УЙМАСОВ олган суратлар

Ўзбекистон давлат жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши, Марказий банк ва Ўзбекистон банклар Ассоциацияси ҳамкорлигида «Энг фаол ёш банк ходими» танловининг республика босқичи ташкил этилди. Тўртинчи мартаба ўтказилаётган танловда иштирок этувчилар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бу йилги танловда икки минг нафарга яқин ёш банк ходимлари қатнашди.

Иштирокчилар банк хизмат турларини янада такомиллаштириш ва банк тизимида янги инновацион ғояларни жорий этиш борасида киритган тақдирлари ва уларнинг иш жараёнига жорий этилганлиги, ходимларнинг касба уюшмалари ҳаракатидаги фаоллиги, ташаббускорлиги, чет тилларни билиши, ёш мутахассиснинг ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланиш қобилияти ҳамда молия ва банк соҳасини ҳуқуқий тартибга солиш, шунингдек, мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга доир қўнғунчилик борасидаги саводхонлиги каби мезонлар асосида аниқланди.

«Энг фаол ёш банк ходими» танловининг якуний натижасига кўра, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банк Тошкент шаҳар Бош бошқармаси Академик филиали ходими Сардор Исмоилов 1-ўринни, «Iroteka bank» АТ Бухоро вилояти Сардор филиали ходими Суннатилло Очиллов 2-ўринни, АТ «Aloqabank» бош офиси ходими Фаррух Маҳкамов 3-ўринни эгаллади. Шунингдек, танлов давомида худудий босқичларда ҳамда республика босқичида ғолиб деб топилган ёш банк ходимлари тадбир ташкилчилари томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ўз мухбиримиз

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ўтказилаётган «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танлови иқтидор эгалари учун ўзига хос имконият эшикларини очиб бермоқда.


Олмалик шаҳридаги «Амфос-Максам» АЖ маданият саройида бўлиб ўтган тадбирда «Ўзкимёсанот» АЖ тизимидаги корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган ва танловнинг куйи босқичларида ғолибликни қўлга киритган, илгор инновацион ғояларга эга бўлган 13 нафар ёш кимёгар ғолиблик учун курашди.

Танловда ёш мутахассисларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилган янги лойиҳалари, уларнинг ишлаб чиқариш қўламини ва унумдорлигини оширишдаги аҳамияти, инновацион ишланмаларнинг мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси асосий мезонлардан бири бўлди. Илмий изланишларнинг долзарблиги ҳамда уларнинг республикамиз илм-фани, ишлаб чиқариш самардорлигини янада ривожланишига қай даражада ҳисса қўшишига алоҳида эътибор қаратилди.

Жумладан, «Максам-Чирчиқ» АЖ Катализатор ишлаб чиқариш цехи технологи Арсен Алиев тақдим этган лойиҳага кўра, Россиядан келтирилаётган металл катанка хомашёси ўрнига «Ўзкимёсанот» корхоналарида аммиакни синтез қилиш технологиясида ишлатилаётган СА-СВ катализатори чиқиндисини ишлаш катта фойда келтириши кутилмоқда.

«Навоийазот» АЖ Азот ишлаб чиқариш цехи бўлинима бошлиғи Бекзод Шералиевнинг лойиҳаси эса янги қувватли аммиак ва азот кислотаси маҳсулотлари ишлаб чиқарилишида катта қувватли электродвигателлар ўрнига пар билан ҳаракат келтирилувчи турбиналар ишлаштириш орқали корхоналарда катта ҳажмдаги электр энергиясини тежаш имконини бериши мумкин. Бу, ўз навбатида, маҳсулот таннархининг пайсаяиб, унинг рақобатбардошлигини оширади.

Танлов якунига кўра «Йилнинг энг фаол ёш кимёгари» номинацияси ғолиблигига «Фаргонаазот» АЖ Аммиак 3-цехи опера-



тори Содикжон Қодиров муносиб қўрилди. Фахрли 2-ўрин «Максам-Чирчиқ» АЖ Катализатор ишлаб чиқариш цехи технологи Арсен Алиевга, 3-ўрин «Навоийазот» АЖ Азот ишлаб чиқариш цехи бўлинима бошлиғи Бекзод Шералиевга насиб этди.

Ғолиб ва совриндорлар Кимё ва фармацевтика ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши диплом ҳамда қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши томонидан «Энг фаол ёш транспортчи» йўналиши бўйича танловнинг тармоқ Республика



Давронбек ОРИПОВ, «Ishonch» мухбири. Муаллиф олган суратлар

«Оналари соғлом, фарзандлари баркамол Ватан» Республика танловига



Шифохона ҳовлисига кириши билан димоғига гул ҳиди урилиб, бахри-дили очилди. Гулдонга ситгулик даражада гуллардан қирқиб олди-да, хонасига ўтди. Эшик олдида бир момо кутиб турган экан. Уни ичкарига бошлаб, гул узатди.

лари эди. Ал-Хоразмий номидаги ҳужаликда 80 ўринли шифохона бўларди. Юқумли касалликлар авж олган пайт. Врач-терапевт эмасми, тиним билмасди. Айниқса, болалар кўп касал бўлишарди.

Оналарнинг камқонлиги, аёлларнинг оғир меҳнатга жалб қилиниши, туғруқ таътилининг 2-3 ой давом этиши оқибатида, болалар қаровсиз қолар, ўткир ва юқумли ичак касалликларига кўп чалинишарди. Ҳаф талаб уйга бормай, шифохонада қолиб ишлаган кунлар ҳам бўлган. Дори-дармон топишнинг қийинлигини айтмайсизми. Бемор ҳам дори учун наваб кутарди. Вақт ўтиб кетиши мумкинлигидан хавотирланган шифокорлар раҳбарларга вазиятни тушунтиришга уринишар, зўр-баъзур «режадан ташқари», бошқача айтганда, «ортиқча» дори олишга муваффақ бўлишарди.

Касбақўм раиси маънавият соатида ҳам шулар ҳақида гапирди. Уша давр билан бугунги шарт-шароитларни таққослади.

— Истиқлол йилларида инсон кадр топти, унинг саломатлиги давлат муҳофазасига олинди, Конституциямизда ҳар бир фуқаро малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилди. Бирламчи тиббий

хизмат тизимининг йўлга қўйилгани, қатор профилактик чора-тадбирлар белгилангани, «касалини даволагандан кўра олдини олган афзал» ақидасига амал

қилинаётгани, соғлом турмуш тарзи таъминининг кенг тарғиб қилинаётгани, ташкил қилинаётган чуқурлаштирилган тиббий кўриқлар, патронаж ойлари, саломатлик ҳафталиклари ўз самарасини бермоқда, — деди Комилжон Ражабов. — Ўз навбатида, касба уюшмалари томонидан ҳам ходимлар саломатлигини мустаҳкамлаш, ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кишлоқ врачлик пунктлари замонавий бинога эга. «Саломатлик» лойиҳаси асосида жиҳозланган. Бу шифокору ҳамшираларимизнинг юқори шарт-шароитларда меҳнат қилишлари учун имкон бермоқда.

Касбақўм етакчиси КВП ходимларининг ҳам фикр-мулоҳазаларини тинглади. Масала моҳиятидан келиб чиқиб, ўз муносабатини билдирди. Орта қайтар экан, яна олис хотирлар уйғонди.

Ота-онани турмуш қургач, ўн йил

фарзанд қўришмаган. Сабр-матонат билан Ҳаққа илтижо қилишган, ёруғ кунларга умид боғлашган. Тангрининг иноятини қарангки, кетма-кет ўн бир фарзанд қўришган. Комилжон қовун пишиғида туғилган. Болалиғида жуда қизиқувчан эди. Балки шунинг учунми, туман шифохонасида ишловчи Бикажон аммаси тунги навабчиликка гоҳ-гоҳида уни бирга олиб кетарди. Ана шунда ёшгина Комилжоннинг қалбида шифокорликка меҳр уйғонди. Бу меҳр орзуга, сўнг қатъий ишончга айланди. 1972

Фидойиликни

йилда Андижон давлат тиббиёт институти талабаси бўлди. Комилжон акани таниганлар, «Водийда тахсил олгани шундоқ бўлиниди, ширинсўз, меҳрибон, дилкаш йигит» дея таърифлашди. Талабалик йиллари ёдига бир умр муҳр-лалиб қолган. Яқин ўқирди. Жамоат ишларида фаол иштирок этарди. Гапга чечан, лутфи гузал йигитдан курсдошлари, дўстлари тўйларида бошловчиллик қилишни илтимос қилишганда, бажонидил рози бўларди. Турли ривоятлар, шеър гузаллар билан тўйларнинг файзли кечилишига ҳисса қўшарди. Ўзи ҳам талабалик йилларида оила қурди. Андижонча ош қилишни ўрганди. 1978 йилда шифокорлик дипломинини қўлга олиб, ёш мутахассис Урганч шаҳар шифохонасида интернатура ўтади. Шунга ҳам 38 йил бўлибди. Мана бугун анди тўрт фарзанднинг отаси, тўққиз наваранинг бобоси.

Натижага кўра, Тошкент педиатрия тиббиёт институти, суд тиббиёти, тиббиёт ҳуқуқи ва патологик анатомия секцион курси кафедраси катта илмий ходими Шерзод Рўзиев 1-ўринга лойиқ топилди. 2-ўрин Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази хирург-колопроктолог Азиза Атоевага, 3-ўрин Андижон давлат тиббиёт институти акушерлик-гинекология кафедраси ассистенти Садоқатхон Шокировага насиб этди. Шунингдек, турли номинациялар бўйича совриндорлар аниқланди.

Тиббиёт — ҳаётимнинг ажралмас қисми. Одамлар корига ярашдек масъулиятли вазифада меҳнат қилаётганидан гурурланаман, — дейди танлов ғолиби Шерзод Рўзиев. — Оиламиздагилар шифокор бўлгани учун ҳам бу соҳага болалигимдан меҳр қўйганман. Шу боис 2003 — 2010 йилларда Тошкент педиатрия институтида тахсил олдим. Ўқиб давомда суд тиббиётига қизиқиш уйғониб, бу борада билимимни мустаҳкамлашга ҳаракат қилдим. Илмий ишим «Қандли диабетни янги дерматоглифик усул ёрдамида аниқлаш»га йўналтирилган. Билмиш, бу касаллик одамлар орасида жуда кўп учрайди. Уни эрта аниқлаш ва даволаш бемор ҳаёти учун муҳим аҳамиятга эга. Илмий ишим орқали 1000 дан ортиқ инсонларнинг қафт-бармоқ андозаларини ўргандим. Бу мавзуда бир неча илмий ва ўқув қўлланмалари чоп этилди ва қўллаб халқаро конференцияларда қатнашдим.

Ўтган йили ҳаётимда муҳим воқеа юз берди. Президентимиз фармонида кўра «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони билан тақдирландим. Аини пайтда ҳаяжонимнинг чеки йўқ, «Энг фаол ёш шифокор» танлови янада масъулият билан меҳнат қилишга, ва албатта, юртимиз иқболни ҳамда равангли йўлида бор ғайратимни сафарбар этишга ундайди.

Тадбир сўнггида иштирокчиларга Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Шунингдек, ғолиблар Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб ташкил этиладиган «Ёш мутахассислар» Республика форумида иштирок этиш йўлланмасини қўлга киритдилар.

Гўзал НОРЧАЕВА, «Ishonch» мухбири. Икром ҲАСАНОВ олган суратлар



Халқ фаровонлиги йўлида

№(1).



Бугун Ўзбекистонда халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш жадал суръатларда ривожланиб келишди. Ўнгилик, электротехника sanoati, мебель ва чарм-галантерея буюмлари, мебель яшаш ва бошқа соҳаларда юқори натижалар қўлга киритилмоқда.

Сўнгги 10 йил ичида энг илгор технологиялар билан жиҳозланган бир қатор йирик лойиҳалар амалга оширилиши натижасида «ДЭУ Текстиль», «Антекс Групп», «Индорама», «Узтекс Групп» ва «Пластекс» каби корхоналар фаолият юритиб, тармоқни етакчи локомотивларига айланди. Ҳозирда «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» тамгаси билан энгил sanoat маҳсулотлари дунёнинг 50 дан зиёд давлатларига экспорт қилинмоқда.

Дарҳақиқат, бизнинг маҳсулотларимиз дунё бозорларидан мустаҳкам жой олди. Мухими, халқаро андозаларга тўла мос келадиган товарлар хорижлик истеъмолчиларга манзур бўлмоқда.

Мамлакатимиз Президентининг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллигини нишонлашга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказишга бағишланган қароридида қайд этилганидек, ушбу йилларда миллий иқтисодиёт қарийб 6 бараварга ўсди. Ўзбекистоннинг галла, ёқилги-энергетика ва транспорт-коммуникация мустақиллигига эришилди. Sanoatning иқтисодиётдаги улуши 34 фоизга, тайёр маҳсулотларнинг экспорт таркибидида салмоғи 70 фоиздан зиёд бўлди. Истеъмол товарлари ҳажми аҳоли жон боши ҳисобига 7 бараварга, реал даромадлар 12 баравардан ортиқ кўпайди. Давлат бюджетининг 60 фоиздан юқориси ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилмоқда.

Иқтисодиётни ислоҳ қилишни, таркибий ўзгариш ва модернизация қилишни таъминлаш бўйича қўриладиган чора-тадбирлар жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги якули бўйича ялпи ички маҳсулотнинг 7,8 фоизга ўсишини таъминлади. Sanoat ҳажми 6,7 фоизга ўсди. Қўрилиш ишлари ҳажми 17,5 фоизга, хизматлар кўрсатиш ҳажми 12,9 фоизга кўпайди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз миқдоридида профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноз параметрларидан ошмади.

Халқро микёсда катта нуфузга эга бўлган Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига кўра, Ўзбекистон 2014-2015 йиллардаги ривожланиш якули ва 2016-2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича дунёда энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олгани, албатта, барчамизга мамнуният бахш этиди.

Маълумки, ходимларнинг меҳнат соҳасидидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш касба уюшмаларини фаолиятининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Ва, кези келганда мамнуният билан таъкидлашимиз лозимки, сўнгги йилларда меҳнатқилар манфаатларини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Хусусан, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши жамиятининг сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётида олиб борилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлаб, уларни ҳаётга татбиқ этишда фаол қатнашаётир.

Республикамиз мустақиллигининг биринчи кунларидан бошлаб, касба уюшмалари ҳар бир фуқаронинг меҳнатга, ижтимоий ҳимояга, дам олишга бўлган ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, уларнинг фаровон ҳаёт кечиришларида муносиб кўмак кўрсатиб келмоқда.

Касба уюшма тузилмасини такомиллаштириш, аъзоларнинг манфаатларини ҳимоялаш ишларининг самарадорлигини ошириш мақсадида 2011 йилнинг май ойида Ўзбекистон ен-

дан ташкил этилаётган «Энг намунали бошлангич ташкилот», «Энг фаол ёш мутахассис», «Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат назоратини энг яхши ташкил этиш» уюшмасидан республика қуриқ-танловлари ўтказиш йўлга қўйилди.

Утган давр мобайнида касба уюшмаси кадрлари ва фаолларини билим ва тажрибаларини ошириш мақсадида ҳудудий кенгашларда фаоллар ўқувларига эътибор кучайтирилди.

Жумладан, 2015 йилда Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Жиззах, Наманган, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Фарғона, Хоразм ва Қашқадарё вилоятлари кенгашларида бошлангич касба уюшма ташкилотлари, туман кенгашлари раислари учун касба уюшмаси фаолиятининг барча йўналишлари бўйича ўқув-семинарлар ўтказилди. Ушбу ўқувларда 800 нафардан зиёд фаоллар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Вазиран Маҳкамаси, Касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Савдо-саноат палатаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларига оид Бош келишувнинг қабул қилиниши ва унинг асосида, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши, Савдо-саноат палатаси, «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси, Ўзбекистон Республикаси «Хунарманд» уюшмаси, «Ўзлугуржисавдоинвест» уюшмаси бошқаруви, Ўзбекистон қарлар жамияти Республика бошқаруви, Ўзбекистон кўзи оғизлар жамияти Республика бошқаруви, «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси бошқаруви, Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси кенгаши, Ўзбекистон «Узкомунхизмат» агентлиги ўртасида тармоқ Келишувларининг қабул қилиниши фаолиятимизда янги истиқболларни белгилаб берди.

Тармоқ Келишувларида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича тармоқ дастурларини бажариш, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, бандлигини таъминлаш, уларнинг турмуш даражасини юксалтириш борасида ўз зиммаларига меҳнат қонуничилигига оид томонларнинг мажбуриятлари, меҳнат шартномаси, бандлик кафолатлари, иш ва дам олиш вақти, меҳнатга ҳақ тўлаш, кафолатли тўловлар, меҳнат интизоми, меҳнатни муҳофаза қилиш, ижтимоий имтиёз ва кафо-

латлар, маданий-маърифий, жисмоний тарбия, соғломлаштириш, спорт ишлари, аёллар меҳнатини тартибга солиш, касба уюшма қўмитаси ва касба уюшма фаолларининг ҳуқуқий кафолатларини таъминлаш, меҳнат низолари, келишувларнинг амал қилиши ва уларнинг бажарилиши юзасидан томонларнинг жавобгарлигига оид мажбуриятлар олиниб, уларнинг ижроси ишчи гуруҳларнинг доимий назоратида бўлиб, ҳар йили Республика кенгаши ва паритет органлар қўшма Раёсат мажлисларида муҳокама этиш бугун ҳар жиҳатдан ўзини оқлатмоқда.

Қабул қилинган тармоқ келишувларига асосан, ходимлар сонидан қатъи назар, юридик шахс мақомига эга бўлган корхона ва ташкилотларда жамоа шартномалари тузилиб, уларга давр талабидан келиб чиққан ҳолда қўшимча ва ўзгаришлар киритилиб бормоқда.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2014 йил 24 октябрдаги 19-13 сонли Қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси тизимидидаги жамоа шартномаларининг лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш, қабул қилинган жамоа шартномаларини рўйхатга олиш Тартиби»га биноан тасарруфдаги корхона ва ташкилотларда қабул қилинаётган жамоа шартномаси лойиҳалари Республика кенгашининг масъул ходимлари томонидан экспертизадан ўтказилмоқда.

Жумладан, қабул қилинган жамоа шартномаларида ходимларга асосий узайтирилган ва қўшимча таътиллари, уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлларга 1 соат қисқартirilган иш вақти бериш, зарарли ишларда банд бўлган ходимларга қўшимча ҳақ тўлаш, иш ҳақини ўз вақтида тўлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш, ишчи ходимлар учун икки маҳал иссиқ овқат ташкил этиш ҳамда ишга олиб келиш ва тарқатиш учун транспорт ажратилиш, эҳтиёжманд ва боқувчисини йўқотган ходимларнинг oilаларига моддий ёрдам ажратиш, ходимлар ва уларнинг oila аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш, соғломлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилади.

Республика кенгаши томонидан тизимдаги корхона, ташкилот ва кичик бизнес субъектларига норасмий бандликни чеклаш бўйича муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Тармоқ бўйича жамоа шартномаларидаги меҳнат муҳофазаси бўлими ва корхона маъмурияти ҳамда касба уюшмаси ўртасида ҳар йили тузиладиган меҳнат муҳофазаси бўйича битимларнинг сифатли тузилиши ва ижросига эътибор кучайтирилди. 2011 йилдан бошлаб ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодиса ва касб касалликларининг олдини олиш бўйича тадбирларга ажратилаётган маблағлар миқдори ошириб боришмоқда.

Айтиш жоизки, меҳнат муҳофазаси масалалари бўйича 30 дан ортиқ ўқув-семинарлар ўтказилди. Иштирокчиларга меҳнат муҳофазасига оид Низоми, қўлланмалар ва бошқа ҳужжатлар тарқатилди.

Утган давр мобайнида тармоқ касба уюшмасига фуқаролардан 5485 та мурожаат, шундан 2420 та ёзма, 2884 та оғзаки равишда келиб тушган бўлиб, ҳаммаси ижобий ҳал этилди. «Ишонч телефони» орқали ҳуқуқий маслаҳатлар бериб келинмоқда...

Кўриб, гувоҳи бўлиб турибмизки, давлатимиз томонидан халқ фаровонлигини янада юксалтиришга қаратилган чора-тадбирлар натижасида жамиятга ободлик ва юксак маънавият уйғун тарзда қарор топмоқда. Уни мустаҳкамлаш ва тараққиёт тамойилларига мос-монанд равишда изчил бойитиб бориш барчамизнинг фуқаролик бурчимиздир.

**«Ishonch» мухбири
Жамшид ЭРГАШЕВ
ёзиб олди.**

СОЛИҚ

Президентимизнинг «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан «Тадбиркорлик субъектларига «Ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида 2016 йил 1 январидан юртимизнинг барча туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузурдаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари негизидида «Ягона дарча» тамойили асосида тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш бўйича марказлар иш бошлади.

Хизмат кўрсатиш сифати юксалмоқда

Бугунги кунда белги-ланган талаблар асосида замонавий жиҳозланган марказларда тадбиркорларга «Ягона дарча» тамойили асосида 16 турдаги давлат хизматлари кўрсатилиб, уларнинг тартиби ва муддатлари тўғрисида бепул маслаҳатлар берилмоқда. Хусусан, Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманида фаолият юритаётган «Ягона дарча» марказида ҳам мурожаат этувчиларга тез ва сифатли хизмат кўрсатиш, хизмат кўрсатишни такомиллаштиришга жиддий эътибор қаратиляпти.

— Авваллари тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга бел болган киши қатор идораларга бориши, бир талай ҳужжатларни тўлдирishi, имзо тўплаши шарт эди, — дейди Юнусобод тумани «Ягона дарча» марказ раҳбари Вағиф Мамедов. — Эндиликда тадбиркорлик субъектларига ҳеч қандай бюрократик тўсиқларни маслаҳатлар бериш, рўйхатдан ўтказиш, ружсат бериш, лицензиялаш ва бошқа хизматлар қисқа муддатда кўрсатишмоқда.

Айтиш жоизки, интернет орқали зарур ҳужжатларни электрон йўл билан тақдим этиб, рўйхатдан ўтиш ва электрон ҳужжат алмашинуви орқали бошқа хизматларни ҳам амалга ошириш мумкин. Жорий йилнинг биринчи ярмида туман «Ягона дарча» маркази орқали тадбиркорлик субъектларига 1262 та давлат хизмати кўрсатилди. Янги ташкил этилган 470 та тадбиркорлик субъекти юридик шахс сифатида, 1067 нафари яқка тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилди. Фаолият кўрсатиб келаётган 634 та тадбиркорлик субъектининг таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар қайта давлат рўйхатидан ўтказилди.

Бир сўз билан айтганда, «Ягона дарча» марказлари давлат хизматлари кўрсатуви ташкилот ва идораларнинг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, хусусий мулкни, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, пировард натижада мамлакатимиз иқтисодини ривожлантириш, халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади.

**Улуғбек АҲМЕДОВ,
Юнусобод тумани
давлат солиқ
инспекцияси бошлиғи**

Шифокор сифатида ўз устида тинмай изланди. Нукусда, Тошкентда, Москвада малака оширди. Туман шифонаси терапия бўлими мудир, туман бош терапевти бўлиб ишлади. 2004 йилда ҳамкасблари унга ишонч билдириб, туман тиббиёт бирлашмаси касба уюшма қўмитаси раиси қилиб сайланди. Шу-шу ҳамкасбларининг ўй-хаёли билан яшайдиган бўлди.

— Уша кезлари тармоқ касба уюшмаси вилоят ташкилотидида Бектурди Мадаминов раҳбарлик қиларди. Кўпни

тўлашга кўмаклашгани учун Авазжон Бобононов касба уюшмасидан жуда миннатдор. 4 нафар ходим ижтимоий суғурта, 9 нафар ходим касба уюшма маблағлари ҳисобига ўз саломатликларини тиклаш имконига эга бўлди. Ходимларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шифонада ўзбек бадийи филмларини намойиш этиш анъанаси шаклланди. Касба уюшма қўмитасининг кутубхонасида ўзбек ва жаҳон адабиётининг энг но-

5 нафар ногирон, 271 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтожлар рўйхатга олинган. Касба уюшмаси томонидан уларга алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда. Умуман, маъмурият билан имзоланган жамоа шартномасида меҳнатқиларнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий, ҳуқуқий ҳимоясини кучайтиришга доир қатор бандлар киритилган бўлиб, улар ижроси таъминланмоқда.

— Касба уюшма қўмитаси билан ижтимоий шериклик тамойили асосидаги фаолиятимиз самарали бўлмоқда, — дейди туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Жуманиёз Бекнонов. — Ходимлар билан меҳнат муносабатлари қонуни талаблари асосида йўлга қўйилган. Мунтазам равишда Маънавият соатлари ўтказиб борилаётгани шифокорларнинг касб этикасига риоя қилишларида муҳим аҳамият касб этмоқда. «Ўз касбининг моҳир эгалари», «Энг фаол ёш шифокор» каби қуриқ-танловларнинг уюштирилиши шифокорларимизда рағбат уйғотиб, изланувчанликка ундамоқда. Касба ташкилотимизнинг ўзи ҳам турли танловларда голибликни қўлга киритиб келаётир.

Касба уюшма аъзоларини ҳам суҳбатга чорлади.

— Биз Комилжон ака билан узоқ йиллар бир бўлишда ишлаганимиз, — дейди олий тоифали шифокор, терапевт Мақсуд Сапаева. — У киши жамоамизда инсон қалбига йўл тоша оладиган киши сифатида хурматга сазовор. Касба уюшмасининг биз аёлларга эътибори бўлакча. Жамоа шартномаси асосида қатор имтиёزلардан фойдаланяптиз. Бу эса ҳам шифокорнадаги, ҳам oilадаги мавқимимизни мустаҳкамлашга хизмат қиланти. Аёлларга бағишланган байрам тадбирла-

ри, иштирокимиздаги спартакиадалар жуда қизиқарли ўтади. Бу йил 28 нафар хотин-кизга мукофотлар, фахрий ёрликлар тақдим қилинди.

Яна бир сўхбатдошимиз Дилшод Шарипов ўтган йили «Энг фаол ёш шифокор» танловининг вилоят босқичида унчичи ўринни қўлга киритгани билан ва маҳоратини оширишга хизмат қилганини эътироф қилди. Унинг турмуш ўртоғи Феруза Абдуллаева истеъдодли невропатологлардан. Яқинда ёш oila сохибларининг фарзандлари вилоятнинг «Шодлик» оромгоҳида дам олиб қайтишди. Дарвоқе, бу йил 22 нафар ходимнинг фарзандлари ёзги таътилни мазкур оромгоҳда мароқли ўтказишди. 14 нафар ходимнинг фарзанди эса Тошкент вилояти, 4 ходимнинг фарзанди Қашқадарё вилоятидаги сўлим оромгоҳларда дам олишди.

— Фарзандларимизга қаратилган эътибор бизга кўрсатилган эҳтиром, — дейди Дилшод ва Феруза. — Муассадада фаолият кўрсатишимиз учун қулай шaroитлар яратилган. Хоналаримиз таъмирланган, шинам. Беморлар ётадиган палаталар ҳам барча қулайликларга эга. Езда салқин, қишда иссиқ сақланади. Жамоамизда йилда 570 нафар. «Устоз-шогирд» тамойили асосида тажрибали шифокорлардан касб сирларини, хасталикларни тезкор аниқлаш, бемор қалбига йўл топиш, уларга шифо улаштиш услубларини ўрганилди.

— Касба уюшмалари ғамхўрлиги қўламини йилдан-йилга ортиб бормоқда, — дея сўхбатга қўшилиди «Хонка» ҚВП ҳамшираси Барно Оллаберганова. — Мен бу йил отамни «Хонка» санаторийсида дам олдиридим. Касба уюшма тўғрисида отам дуосини олдим. Бундан ортиқ бахт борми?

Умуман, туман тиббиёт бирлашмасида Комилжон Ражабовни шахсан танимайдиган, касбақўм етакчиси би-

лан ўз ютуқларини, муаммоларини ўртоқлашмаган ходимни топиш амри маҳол. Нафақат бирлашмада, кейинги йилларда аъзоликка жалб қилинган нодавлат секторида фаолият кўрсатуви 50 дан зиёд аъзо орасида ҳам касба уюшмаси ўз мавқеига эга.

Ўз қўзимиз билан кўриб, ишонч ҳосил қилган, Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Хоразм вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Рашид Йўлдошев «Комилжон ака энг тажрибали касбақўмларимиздан», деганига амин бўлди.

— Аксарият касбақўм раислари у кишининг маслаҳатларини олади, тажрибасини ўрганади. Айниқса, янги фаолият бошлаган касбақўмлардан устозимиз ўз кўмагини аямайди.

Комилжон ака бизни тиббиёт бирлашмасининг ҳар бир бўлими билан таништириб чиқди. Тез тиббий ёрдам, жарроҳлик бўлимида шифокорлар бемор тақдир ҳақида қайғуриб, маҳоратини ишга солиб, касаллик билан курашаётганини кўрдик. «ХОСПИС» шифонасидаги кексаларга алоҳида эҳтиром кўрсатишмоқда. Шифокорлар яқиндагина касба уюшмаси томонидан беморларга муруват ёрдами ажратилганини айтишди. Буларнинг барчаси инсон қадри бандан мамлакатда яшаётганимиздан нишон. Касба уюшмаси эса меҳр-оқибатни мустаҳкамлашда, эътибор ва ғамхўрликни кучайтиришда муносиб хисса қўшиб келмоқда.

— Шу кунларда ҳар бир касба уюшма аъзосининг қалбиди байрамон шухук кезмоқда. Боиси, бизга бугунги шарт-шaroитларни, имкониятларни, дориламон кунларни истиқлол ҳақи қилди, — дейди Комилжон Ражабов.

**Муҳаббат ТҮРАБОВЕВА,
«Ishonch» мухбири**

касб қилиб

кўрган инсон, тажрибали шифокордан касба уюшмалари фаолиятини ўрганишганман. У кишининг ўрганишларим бугун ҳам асқотмоқда.

Комилжон ака касба уюшмалари фаолияти йилдан-йилга такомиллашиб бораётганини эътироф қилди. Айниқса, бошлангич ташкилотларга бўлган эътибор натижасида, уюшма аъзоларининг манфаатларини ҳимоя қилиш чоралари кучайтирилганини таъкидлайди. Бу йилнинг биринчи ярмида Хонка туман тиббиёт бирлашмаси касба уюшма қўмитаси томонидан 62 нафар эҳтиёжманд, кўп болали тиббиёт ходимларига салкам саккиз миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Хива шаҳрига, Султон Увайс бобо мўқаддас қадимжосига зиёратлар ташкил қилинди. Урганч давлат университетига тахсил олаётган фарзандининг контракт пулларини

дир намуналари жамланган. Соғломлаштириш хонасида ходимлар ишдан сўнг стол тенниси, шахмат-шахка ўйнашади, фитнес машғулотларида қатнашади. Мини-футбол, энгил атлетика мусобақалари мунтазам ташкил этилади. Урта бўғин тиббиёт ходимлари орасида «Ҳамшира — спорт элчиси» спартакиадасини ўтказиш анъанаса айланган.

— 1923 нафар аъзоимиз бор. Уларнинг ҳар бири манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини кўряптиз, — дейди касба уюшма қўмитаси раиси.

Инвестиция дастури доирасида туман тиббиёт бирлашмаси капитал реконструкция қилиниб, «Саломатлик — 3» дастури бўйича замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлангани ходимларнинг муносиб шaroитларда ишлашини кафолатламоқда.

ОМОН БЎЛИНГ, МУШТАРИЙ

Маънавият соати

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши томонидан Президентимиз Ислам Каримовнинг янги асарларини ўрганиш юзасидан Маънавият соати ўтказилди. Унда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети доценти, Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Тўлқин Эшбек маъруза қилди.

Давр солномалари

— Давлатимиз раҳбарининг китоблари давримизнинг ўзига хос солномаси десак, янгиликлар биламиз, — деди маърузачи. — Эътибор берсак, турли йилларда чоп этилган асарлар номидаёқ ўша давр ҳаёти, бошимиздан кечирган воқеа-ҳодисалар моҳияти акс этган. Ортбошимизнинг яқинда нашрдан чиққан «Озодлик ҳавосидан тўйиб нафас олган халқ ўз йўлидан ҳеч қачон қайтмайди» ва «Ҳаёт синовларида тобланган Қашқадарё эли ҳар қандай юксак маррани эгаллашга қодир» номли китоблари ҳам истиқлол йилларида мамлакатимиз қандай оғир ва мураккаб, шу билан бирга, шарафли йўлни босиб ўтгани, мустақиллик йилларида барча вилоятларда буюк ўзгаришлар содир бўлганини чуқур аниқлашга хизмат қилади.

Маълумки, давлатимиз раҳбари жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишиш мақсадида шу йил 30 июн — 1 июл кунлари Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида бўлиб, фаоллар, хотин-қизлар, ёшлар ва кенг жамоатчилик вакиллари билан учрашиб, самимий суҳбатлади. Ушбу китоблардан ана шу мулоқотлар пайтида Ортбошимиз томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ўрин олган.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг барча ҳудуд ва минтақалари сингари Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ҳам улкан ўзгаришлар рўй бергани мазкур китобларда алоҳида таъкидланади. Мустақил тузум даврида асосан пахта хомашёси етиштириш билан чекланган бу воқеаларда бугунги кунда замонавий технологиялар билан жиҳозланган ийрик санаот корхоналари, коммуникация тармоқлари фаолият кўрсатаётгани, фермерлик ҳаракати, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жадал ривожланиб, қишлоқ ва шаҳарлар қиёфаси тубдан ўзгариб, одамларнинг турмуш даражаси, онгу тафаккури, дахлдорлик ҳисси тобора ортиб бораётгани ва бундай ютуқлар замирида мумкин бўлган омишлар ҳақида теран фикр-мулоҳазалар баён қилинади.


— Ҳажман кичик, лекин мазмунан чуқур ушбу китобларни «Озодлик ҳавосидан тўйиб нафас олган халқ ўз йўлидан ҳеч қачон қайтмайди» деган ҳаётий ҳақиқат баш қисматида бирлаштириб туради, — деди тармоқ касба уюшмаси Республика кенгаши раиси Анваржон Абдумухторов. — Президентимизнинг янги асарларини касба уюшма фаоллари катта қизиқиш билан ўрганмоқда.

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,
«Ishonch» мухбири



Олимпиячиларимиз Бразилияга жўнаб кетди

Ўзбекистон спорт делегацияси XXXI ёзи Олимпия ўйинларида иштирок этиш учун 1 август куни Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрига жўнаб кетди.



Шу муносабат билан Тошкент халқаро аэропортида ўтказилган маросимда давлат ва жамоат ташкилотлари, спорт жамоатчилиги вакиллари, спортчиларнинг отаналари, оммавий ахборот воситалари ходимлари жам бўлди.

Ўзбекистон миллий олимпия кўмитаси раиси М.Усмонов, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси бош директори В.Тян ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида спортни ривожлантиришга қаратилган доимий эътибор профессионал спортчиларни тарбиялашда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади. Бунинг самарасида спортчиларимиз нуфузли мусобақалар — Олимпия ва Осиё ўйинлари, ҳаҳон ва қитъа чемпионатларида юқори натижаларга эришаётган.

Ёзи Олимпия ўйинларида қатнашиш, унда ўз Ватани шарафини ҳимоя қилиш ҳар бир спортчининг энг эзгу орузидир. Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралдаги «Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзи Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёргарлик тўғрисида»ги қарорига мувофиқ спортчиларимиз мазкур нуфузли мусобақага пухта тайёргарлик кўрди.

Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтадиган бу галги Олимпия ўйинларида Ўзбекистон спортчилари академик эшак эшиш, ба-

дий гимнастика, байдарка ва канозда эшак эшиш, бокс, дзюдо, енгил атлетика, оғир атлетика, спорт гимнастикаси, стол тенниси, сузиш, таэквондо (WTF), теннис, трамполин, ўқ отиш, эркин ва юнун-рум кураши каби қатор спорт турлари бўйича бахшлашади.

Президентимизнинг 2016 йил

12 июлдаги Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзи Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёргарлиги ва иш-тироки тўғрисидаги қарори олимпиячиларимизнинг тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақасида

муносиб қатнашишини таъминлашга хизмат қилади.

— Халқаро майдондаги нуфузли мусобақаларда, хусусан, Олимпия ўйинларида қатнашаётган ҳар бир спортчи ортида ўзини шундай юксак даражага етказган Ватани, халқи турганини, уларнинг ишончини оқлаш бурчи эканини

чин дилдан ҳис қилади, — дейди стол тенниси бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Зоҳид Кенжаев. — Мана шу тўғру биз, спортчиларга куч-қувват ва ишонч бағишлайди. Биз Олимпиадада муваффақиятли иштирок этиб, Президентимиз ва халқимиз ишончини оқлашга ҳаракат қиламиз.

— Спортчиларимиз эришаётган юксак натижалар мамлакатимизда маҳоратли спортчиларни тарбиялаш тизими тўғри йўлга қўйилгани самарасидир, — дейди таэквондо (WTF) бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Александр Ким. — Ишонамизки, XXXI ёзи Олимпия ўйинларида спортчиларимиз ўз маҳоратини намоён этиб, ҳеч қимдан кам эмаслигини ва кам бўлмаслигини яна бир бор исботлайди. Олимпиячиларимиз халқимизнинг энг улуг, энг азиз байрами — Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллик шодиёнасига муносиб совғалар тайёрлаши шубҳасиз.

— Биз, спортчилар учун давлатимиз байроғини янада юксакларга кўтариш энг катта бахтдир. Халқаро майдондаги галабаларимиз шарафига Ватанимиз байроғи кўтарилиб, давлатимиз мадҳияси янгирашга бор куч ва салоҳиятимизни ишга солишим, — дейди енгил атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Екатерина Воронина.

Спортчилар номидан сўзга чиққан дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Соиб Курбанов ва Гулноза Матнбозова, оғир атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Иван Ефремов Президентимиз раҳнамолигида спортни ривожлантириш, спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган доимий эътибор ва ғамхўрлик учун миннатдорлик билдириб, Олимпия ўйинларида халқимиз ва Президентимизнинг ишончини оқлашга, Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига муносиб совға билан қайтишга маънада берди.

Ўзбекистон спорт делегацияси Рио-де-Жанейро шаҳрига «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг махсус самолётида жўнаб кетди.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
Жавоҳир ТОШХҲАЕВ,
ЎЗА мухбирлари

Юртимиз сиҳаттоҳларида

Оромбахш маскан

Кўплаб ватандошларимиз ўз саломатлигини тиклаш мақсадида «Ботаника санаторийи»га келади. Уларга сидқидилдан хизмат кўрсатиш, яхши кайфият улашиш ҳар бир ходимнинг бурчидир. Сиҳаттоҳда доимий равишда маданий-маърифий тадбир, ижодий учрашувлар ўтказилади.

Махсус дастур асосида дам олувчилар Зангиота зиёратгоҳига олиб борилади.

— Санаторийда амалга оширилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш иш-

лари маскан қиёфасига янада файз бағишлабди. Хоналарнинг ёруғ, шинамлиги, хизмат кўрсатиш маданиятининг юқорилигидан мамнунмиз. Дам олишни мазмунли ташкил этиш мақ-

садида уюштирилаётган кўнгилочар тадбирлар туфайли мириқиб хордиқ чиқарамиз, — дейди Г.Муқимова. Шунингдек, сиҳаттоҳда спорт соғломлаштириш дастури доирасида мунтазам равишда жисмоний тарбия машғулоти ўтказилади.

Ҳафтанинг шанба кунини муассасада «Тозалик ва ободонлаштириш» кунини деб эълон қилинган. Ўтказилаётган тадбирларнинг асосий мақсади дам олувчиларга ҳар томонлама қўлайлик яратиш, соғлигини тиклашда тўғри даволани ташкил этиш, сифатли тиббий хизматни кўрсатишдир.

Сеvara ЭШОНКУЛОВА,
«Ботаника санаторийи»
МЧЖ ходими

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказилган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари тақридан қўйилади:

I. Урмон хўжалиги бош бошқармаси «Узгиробурмойбойка» ДУКга қарашли, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, «М» мавзаси, Чўпон ота кўчаси, 28-А уй манзилида жойлашган умумий майдони 834 кв. метрга тенг бўлган маъмурий бинонинг 5-қавати қисми.

Бошланғич нархи — 1 865 092 160 сўм.

Балансда сакловчи: Урмон хўжалиги бош бошқармаси «Узгиробурмойбойка» ДУК.

Фаолияти ихтисоси: Урмон тузиш ва лойиқа қидирув корхонаси.

II. Урмон хўжалиги бош бошқармасига қарашли, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, 8 мавзе, Катортөл кўчаси, 21-уй манзилида жойлашган умумий майдони 2198 кв. метрга тенг бўлган маъмурий бино қисми.

Бошланғич нархи — 6 175 368 504 сўм.

Балансда сакловчи: Урмон хўжалиги бош бошқармаси.

Фаолияти ихтисоси: Урмон барпо қилиш.

Савдо ташкилотчиси: «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ, Тошкент шаҳри, Олмаотқ тумани, 1-Қорақамчи кўчаси, 1-А-уй. Тел/факс: (0-371) 228-84-48. Веб-сайт: www.kpts.uz. Электрон почта: nelttsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.

Аукцион савдоси 2016 йил 8 август кунини соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмаотқ тумани, 1-Қорақамчи кўчаси, 1-А-уйда ўтказилади.

Аукцион савдоси шу кунини бўлиб ўтмаган тақдирда, тақририй савдолар 2016 йил 23 август, 8, 23 сентябр, 10 октябр кунлари, соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича гойиблик баённомаси имзоланган сандан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабдорлар давлат актив бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг қўйидаги банк рекевизитларига акалат пулини тўлашлари лозим: АИТЕ «Ипақ йўли» Сағбон филиали, х/р: 20208000904920609114; МФО: 01036; СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришима эълон қилинган сандан бошланади ва билдиришомда қўрсатилган аукцион савдоси ўтказилган кунини савдо бошланганидан 4 соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчиси талабдор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусxada тақдим этади: юридик шахслар учун-давлат раётидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳномадан

нусахси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусахси илова қилинган ишончнома; — аукцион тўғрисидаги билдиришомда қўрсатилган банк ҳисоб рақамига акалат пулланганини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусахси.

Мурожаат учун манзили: Тошкент шаҳри, Олмаотқ тумани, 1-Қорақамчи кўчаси, 1-А-уй.

Маълумотлар учун телефонлар: (0-371) 228-84-48. Факс: (0-371) 228-80-23.

Электрон почта: nelttsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидеги веб-сайт: www.kpts.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳўрматли тадбирдор ва иштирокдорлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўрилгандаги ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат кўмитасининг (0-371) 259-21-37 рақами «Ишонч» телефони-га зудлик билан хабар беришингиз суралади!

Савдоларга марҳамат қилин!

БАРЧА ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

Ҳунар — зар



Марҳабо — моҳир каштадўз

Шофирконлик Марҳабо Мағдиевани Бухоро вилоятида кўпчилик қўлигул тикувчи, моҳир каштадўз сифатида яхши билади. Бетақор қаштадўзлик намуналари билан нуфузли кўргазмаларда иштирок этиб келаётган ҳунарманд «устоз-шоғирд» аъёналари асосида хотин-қизларга Шофиркон қаштадўзлик мактаби аъёналарини ўргатишни йўлга қўйган.

Суратда: каштадўз Марҳабо Мағдиеванининг шоғирди Зарибону Мағдиева.

ЎЗА фотомухбири Тохир ИСТАТОВ олган сурат

РЕКЛАМА

«Best realtor» МЧЖ Фаргона минтақавий филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказилган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига «Фаргона ёр-мой» АЖ билан 25.01.2016 йилда тузилган 015-сонли шартномага асосан, «Фаргона ёр-мой» АЖ балансидаги, Фаргона вилояти, Раҳмон тумани, Зоилов КФЙ, Зоилов қишлоғида жойлашган «Омухта ёл сотиш шохбосчаси» бино-иншоотлари қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 35 873 000 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 7 сентябр кунини соат 14:00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабдорлардан буюртмалар расмий иш кўради соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Буюртмаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2016 йил 5 сентябр кунини соат 18:00.

Аукцион савдосига қўйилган бино-иншоотлар билан «Фаргона ёр-мой» АЖ вакили иштирокчида беғосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Савдода қатнашиш учун буюртма билан биргаликда қуйидагилар тақдим этилади:

- юридик шахслар учун — давлат рўйхатидаги ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳномадан нусахси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг савдода қатнашиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусахси илова қилинган ишончнома;
- жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусахси, савдода тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусахси илова қилинган ишончнома; — аукцион тўғрисидаги билдиришомда қўрсатилган банк ҳисоб рақамига акалат пулланганини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусахси.


Аукцион савдоси асосидан барча маълумотларни 0-595-402-54-75 телефон рақами орқали олишингиз мумкин.

Савдо гойибига аукцион ўтказилган кундан бошлаб 10 (он) кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Бино-иншоотларни сотиш баҳосининг тўлов мuddатлари ва бошқа шартлар сотувчи ҳамда харидор ўртасида олди-сотди шартномаси тузиш вақтида белгиланади.

Аукцион савдода қатнашиш учун талабдорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган акалат қилинишга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 15 (он беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда акалат пулини савдо ташкилотчиси «Best realtor» МЧЖ Фаргона минтақавий филиалининг «Траст банк» ХАБ Фаргона филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашларини шарт: х/р: 2020 8000 3004 3360 1012. МФО: 01123; СТИР: 303179580.

Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдолар ўтказилганда ва савдода иштирок этиш учун буюртмалар қабул қилинадиган манзил Фаргона ш., Маърифат кўчаси, 21/1-уй. (Мўжлаз: Фаргона вилоят статистика бошқармаси рўйхатрасида) Тел: 0-595-402-54-75. Сайт: www.emul.uz. Электрон почта: best-realtor@inbox.uz. Лицензия: RR-0225.

MUASSIS:



Bosh muharrir:
Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati:
Abdulaziz Abdullayev, To'lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinsbari), Akmal Toshev

BO'LIMLAR:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xalqlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Raklama va o'lonlar — 256-87-73

Manzillimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chas, 24-uy.
E-mail: xattalar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Soluvda erkin narxda.

HUDDULARDAGI MUXBIRLAR:
Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Navoiy — (+998-93) 313-86-87
Samarqand — (+998-97) 915-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-90) 910-54-05
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir:
U.Ilbodinov

Navbatchi:
D.Oripov

Musahhirlar:
S.Shodiyeva

Sahifalovchi:
H.Abdujalilov

Boshiga ko'parish vaqti: — 22:00
Tahrirladi: — 22:30

1 2 3 4 6

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvchisi chop etildi.

Korxonalar manzili:
Buyuk Turon ko'chas, 41-uy.

Gazeta «Ishonchning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Gazeta oset usulida, A2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma tobaq.
Buyurtma T — 815.
14176 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi: 133

Taxririyot xisob raqami:
2021 0000 0004 3052 700.1.
ATB «Ishonch» bank. Yilshobod filialini, bank kod: 00959, STIR: 201133889, OKON: 87100